



2022

*“Мадад Инвест Банк” АТБ
томонидан 2022 йилнинг 9 ойи
давомида амалга оширилган ишлар
бўйича*

ҲИСОБОТИ

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

«Мадад Инвест Банк» АТБ томонидан 2022 йилнинг 9 ойи давомида ўз олдига қўйган стратегик мақсадларга эришиш, жумладан банкнинг асосий ривожланиш концепциясини амалга ошириш мақсадида, даромад келтирувчи банк активлари салмоғини банк капитали ҳамда жалб қилинган депозит маблағларини самарали жойлаштириш орқали ошириб борилди. Банк мижозлар базасини кенгайтирган холда мавжуд ички имкониялардан тўлиқ фойдаланиб банк рентабеллигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12-майдаги ПФ-5992-сонли Фармонида асосан тасдиқланган “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси” ижросини таъминлаш ва банкни ҳалқаро даражада рақобатбардош молия муассасасига айлантириш мақсадида, 2022 йилда банк хизматлари кўрсатишнинг замонавий усулларида кенг фойдаланиш, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларини узлуксиз кредитлаш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда масофавий интерактив банк хизматлари турини кўпайтириш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини банк хизматларига кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бунинг натижасида 2022 йилнинг 01 октябр ҳолатига банк активлари - 278 849 млн. сўмни ташкил этиб, шундан, юқори ликвидли активлар миқдори 99 263 млн. сўмни ташкил этиб умумий активлардаги улуши 41,9% (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган меъёрга нисбатан 31,9% поғонага баланд)ни ташкил этди. Даромад келтирувчи активлар - 170 604 млн. сўмга стиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан - 23 792 млн. сўмга камайиши кузатилди. Бунинг асосий сабаби сифатида бошқа тижорат банкларига узоқ муддатли депозитга жойланган 15 720 млн. сўм маблағларнинг қайтарилганлиги ҳамда банклараро пул бозорида пул маблағларига бўлган талабнинг пасайиши натижасида овернайт депозитлари жойлаш имкониятларининг қисқарганлигини келтиришимиз мумкин. Шу ўринда даромад келтирувчи активлар ўсиш салмоғига нисбатан мажбуриятларни ошиши каттароқ суммада кузатилди, банк мажбуриятлари - 107 487 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан - 41 566 млн. сўмга ортди. Амалга оширилган чоралар натижасида Марказий Банк томонидан ликвидликни таъминлаш бўйича ўрнатилган барча меъёрлар бажарилиши таъминланди.

Банк даромади –79 314 млн. сўмни, харажатлар – 44 990 млн. сўмни, фойда солиғи – 9 773 млн. сўмни, соф фойда эса – 24 551 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даври (943 млн. сўм)га нисбатан – 23 608 млн. сўм ёки – 26 баробар зиёдроқ фойда олинишига эришилган бўлсада, банк бизнес режаси – 2 207 млн. сўм кам соф фойда олиниши билан 92 фоизга бажарилди.

Банк капитали– 171 285 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,18 баробарга ёки – 26 169 млн. сўмга ошди.

Банк мижозлари сони 17 223 та, шундан – 1 559 та яқка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахслар ҳамда 15 664 та жисмоний шахсларни ташкил этди. Шу ўринда ўтган йилнинг шу даврида банк мижозлари 14 548 тани ташкил этган бўлиб, ўтган даврда мижозлар сони – 1 968 тага кўпайди.

Банк фаолиятини чуқурроқ, таҳлил киладиган бўлсак, қуйидагиларни кўриш мумкин:


Банк активлари

Банк активлари йил бошига нисбатан, ўтган йил шу даврига нисбатан ҳамда ўтган чоракка нисбатан ўсиб бориш динамикасини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:


(млн. сўм)

Кўрсаткичлар	2021 йил 01 октябр	2022 йил 01 январ	2022 йил 01 апрел	2022 йил 01 июл	2022 йил 01 октябр	Фарқи	
						Йил бошига нисбатан фарқи	Ўтган йилга нисбатан фарқи
Нақд пуллар	11 479	4 196	7 808	9 446	9 253	5 058	-2 226
Бошқа банклардаги ҳисоб рақамдаги пуллар	67 446	71 042	143 605	102 378	108 780	37 738	41 334
Ссудалар (соф холда)	124 200	144 050	129 898	138 346	151 899	7 849	27 699
Асосий воситалар	2 962	2 993	2 986	3 303	3 230	237	269
Бошқа активлар	4 950	6 392	5 647	6 546	6 046	-345	1 096
Жами	211 037	228 672	289 945	260 019	279 209	50 537	68 171

Банк активларининг ўзгариш динамикаси



Банк активлари таркиби қуйидагича улушларни ташкил этди:




Банк мажбуриятлари

Банк мажбуриятлари таркибини ўзгариши таҳлил этилганда йил бошига нисбатан, ўтган йил шу даврига нисбатан ҳамда ўтган чоракка нисбатан ўзгариш динамикасини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:


(млн. сўм)

Кўрсаткичлар	2021 Йил 01 октябрь	2022 Йил 01 январ	2022 Йил 01 апрел	2022 Йил 01 июл	2022 Йил 01 октябрь	Фарқи	
						Йил бошига нисбатан фарқи	Ўтган йилга нисбатан фарқи
Талаб қилиб олингунча	35 835	42 553	102 855	71 400	89 301	46 748	53 466
Жамғарма	0	0	0	0	0	0	0
Муддатли	6 634	10 414	9 633	10 180	13 493	3 079	6 859
Олинган кредитлар	4 288	3 240	2 353	1 432	564	-2 676	-3 724
Бошқа депозитлар	19 155	24 275	20 638	7 113	4 056	-20 219	-15 099
Бошқа мажбуриятлар	10	6	89	73	73	67	63
Жами	65 922	80 487	135 569	90 199	107 487	27 000	41 566

Банк мажбуриятларининг ўзгариш динамикаси



Банк мажбуриятлари таркиби қуйидагича улушларни ташкил этди:




Даромад ва Харажатлар

(млн. сўм)

Кўрсаткичлар	2021 йил 01 октябр	2022 йил 01 январ	2022 йил 01 апрел	2022 йил 01 июл	2022 йил 01 октябр	Фарқи	
						Йил бошига нисбатан	Ўтган йилга нисбатан фарқи
Фоизли даромадлар	28 123	40 962	11 198	22 851	34 027	-6 935	5 903
Бошқа банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромад	3 421	4 479	578	1 091	1 162	-3 317	-2 260
Ссудалардан олинган фоизли даромадлар	24 469	36 226	10 620	21 761	32 865	-3 362	8 396
МБ ҳисоб рақами даромади	0	0	0	0	0	0	0
Берилган лизингдан олинган фоизли даромадлар *	232	256	0	0	0	-256	-232
Фоиzsиз даромадлар	16 517	20 135	22 677	39 060	45 287	25 152	28 771
Комиссион даромадлар	2 751	4 064	1 029	2 493	3 884	-180	1 133
Чет эл валютаси билан боғлиқ даромадлар	3 914	5 949	6 777	13 455	16 317	10 368	12 404
Бошқа даромадлар	9 852	10 122	14 871	23 112	25 086	14 964	15 234
Жами даромадлар	44 640	61 097	33 875	61 912	79 314	18 217	34 674

Фоишли харажатлар	9 016	9 504	558	931	1 280	-8 224	-7 736
Депозитларга фоишли харажатлар	1 230	1 637	401	753	1 091	-547	-139
Ссудалар бўйича фоишли харажатлар	202	245	30	52	63	-182	-140
Бошқа фоишли харажатлар	7 584	7 622	126	126	126	-7 495	-7 457
Фоиhsиз харажатлар	4 521	6 790	6 775	13 757	16 224	9 434	11 703
Хизматлар бўйича комиссион харажатлар	85	122	33	61	104	-18	19
Чет эл валютаси билан боғлиқ зарарлар	3 423	5 135	6 336	12 939	15 059	9 924	11 636
Бошқа харажатлар	1 012	1 533	405	756	1 061	-472	49
Операцион харажатлар	7 038	10 097	2 397	5 571	8 566	-1 531	1 528
Иш ҳақи ва бошқа харажатлар	4 286	5 842	1 572	3 317	5 064	-778	778
Оффис арендаси тўлови ва таъминот харажатлари	1 003	1 458	430	948	1 432	-26	429
Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	53	88	25	58	93	4	40
Маъмурий харажатлар	333	523	48	265	438	-86	104
Хайрия	116	378	27	122	250	-128	134
Эскириш харажатлари	689	926	246	509	769	-156	80
Солиқ, сугурталаш ва бошқа харажатлар	558	881	50	352	520	-361	-38
Эҳтимолий йўқотишларга захиралар	23 122	29 693	16 502	13 528	18 920	-10 773	-4 202
Жами харажатлар	43 696	56 085	26 232	33 787	44 990	-11 095	1 294
Фойда солиғи	0	1 000	0	5 038	9 773	8 773	9 773
Соф фойда	943	4 012	7 643	23 087	24 551	20 539	23 608

Банкнинг соф фойдаси ўсиш тенденциясини қуйида чизмада келтирилади:



Кредитлаш фаолияти натижалари

Банк томонидан 2022 йил 9 ойи давомида таваккалчиликни максимал даражада ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг турли соҳаларига, жумладан реал сектор тармоқларига: қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, саноат, транспорт ва коммуникацияга ҳамда жисмоний шахсларга 125 276 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Кредит қўйилмалари қолдиғи ҳисобот даври якунига 151 899 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27 699 млн. сўм ортиши кузатилди. Ҳисобот санасига банк баланси ва балансдан ташқари моддаларида жами 36 875 млн. сўм муаммоли активлар мавжуд бўлиб, бу жами банк активларининг 13,2 фоизини ташкил этди.


Кредит қўйилмалари ўсиш динамикаси

(млн. сўм)

2021 йил 01 октябр	2022 йил 01 январ	2022 йил 01 апрел	2022 йил 01 июл	2022 йил 01 октябр	Фарқи	
					Йил бошига нисбатан фарқи	Ўтган йилга нисбатан фарқи
124 200	144 050	129 898	138 346	151 899	7 849	27 699

Кредит қўйилмалари қолдиғининг 2022 йил 01 октябр ҳолатига ўзгариб бориш динамикаси

(млн. сўм)




Кредитларга бўлган талабдан ҳамда иқтисодиёт ҳолатидан келиб чиққан ҳолда қўлланилган фоиз сиёсати натижасида ўртача тортилган фоиз ставкаси жами кредит портфелига нисбатан 26,07 фоизни ташкил этди.

Кредитларни иқтисодиёт тармоқлари бўйича ажратилиши

(млн. сўмда)

Кўрсаткичлар	2021 йил 9 ойи давомида	2022 йилнинг чорақлари бўйича				2022 йилда	Фарқи	
		1-чорақ	2-чорақ	3-чорақ	4-чорақ		Ўтган йилга нисбатан	Ўтган чорақка нисбатан
Қишлоқ хўжалиги	2 027	1 985	9 376	3 111		6 265	7 349	-1 169
Қурилиш	5 535	2 200	12 658	6 383		6 275	7 123	2 308
Савдо ва умумий овқатланиш	26 223	10 174	40 105	18 076		22 029	13 882	6 221
Саноат	19 738	1 502	10 884	7 381		3 503	-8 854	5 380
Транспорт ва коммуникация	1 016		785	785		0	-231	785
Бошқа соҳалар	23 996	18 810	51 468	24 154		27 314	27 472	15 649
Жами	78 535	34 670	125 276	59 890	0	65 386	46 741	29 174

2022 йил давомида ажратилган кредитларни соҳалар бўйича тақсимланиши қуйидаги чизмада келтирилади:



Кўриниб турибдики ажратилган кредитларнинг катта улуши савдо ва умумий овкатланиш ҳамда бошқа соҳаларга тўғри келди. Ҳозирги кундаги банк кредит маҳсулотларига бўлган истеъмолчилар талабини инобатга олиб ҳамда кредит портфелининг сифатини яхшилаш ва юқори фойда олиш мақсадида жисмоний шахсларга таваккалчилик даражаси паст бўлган кредитлар ажратиш кўлами тобора ортмоқда.

Соф фойда ва бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилиши

Банкнинг 2022 йил учун тасдиқланган бизнес-режасида йил давомида 40 007 млн. сўм соф фойда олишга эришиш белгиланган. Шундан соф фойданинг 9 ойлик учун мўлжалланган қисми 27 118 млн. сўмдан иборат бўлиб, банк томонидан 24 551 млн. сўмга бажарилди ва 9 ой давомида 2 207 млн. сўм кам фойда олинди (Бизнес-режа ижроси бўйича жадвал илова қилинади). Тўққиз ой давомида йилликда олинган фоизли даромадлар ва амалга оширилганлиги фоизли харажатлар ўртасидаги фарқ жами 32 747 млн. сўмни ташкил этди. Кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш мақсадида 18 920 млн. сўм захиралар яратилди. Фоизсиз даромадлар кўринишида жами 45 287 млн. сўм даромад олишга эришилди, шундан 21 980 млн. сўм қисми ўтган йилларда шакллантирилган захираларнинг жорий йил давомида қайтган қисмига, 3 069 млн. сўми эса ҳисобдан чиқарилган кредитларнинг қайтарилиши билан боғлиқ даромадларга тўғри келади. Шунингдек, 16 224 млн. сўм фоизсиз харажатлар, 8 566 млн. сўм операцион харажатлар амалга оширилди ҳамда 9 772 млн. сўм миқдорида фойда солиғи ўтказиб берилди. Натижада 24 551 млн. сўм соф фойда олишга эришилди.

Бошқарув раиси



О.Ю.Аширалиев

